

# ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI



## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@uamail.uz

### Шу куннинг гаплари

Илк бор юртимизда қурилатган **110 млн** долларлик "Навоий нур" қуёш электр станцияси объекти жорий йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топширилади.

"Обод қишлоқ" дастурига қўра, Сирдарё вилоятида шу кунгача **1,5 миңг** километр ички йўллар тўлиқ таъмирланди ва бу жараён изчил давом этапти.

Боғот туманидаги Ўзғариш маҳалласида **янги "Сити"** қурилишига тамал тоши қўйилди. Лойиҳа бўйича оилавий поликлиника, мактаб, фашт заводи ва бошқа объектлар қурилади.

"Олмалиқ қон-металлургия қомбинати" АЖ дунё экспертлари томонидан халқаро эътироф этилди. Бунга тармоқ рақобатбардошлигини оширишда инвестицияларнинг кенг қўллангани бош омил бўлди.

Анджонда бунёд этилган "Хунармандлар маркази" фойдаланишга топширилди. Бу жойда **32 та** устакхона, **250** ўринли савдо расходи, дўпидўлик ва пичоқчилик музейлари ҳам қурилган.

### Президент топшириқлари амалда

## Наманганда янги "Саховат уйи" фойдаланишга топширилди

Оқилхон ДАДАБОВЕВ, ЎЗА муҳбири.

**Наманган шаҳрининг Давлатобод туманидаги "Орзу" массиви ҳудудида 120 ўринга эга бўлган янги "Саховат уйи" тўрт ой ичида қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Наманган вилояти ҳоқими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкат Абдуразақов, Республика Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори Алишер Инақов сўз олиб, мазкур маскан яқка-ёлғиз қариялар, ногиронлиги бор 14 нафар ҳамюртимизни ўз бағрига олиб, меҳр ва ғамхўрлик оғушида кексалик гашини суришлари учун барпо этилган ижтимоий муассаса сифатида хизмат қилаётгани таъкидлади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев жорий йилнинг 18-19 февраль кунлари Наманганга ташрифи чоғида вилоят марказининг шимолий қисмида жойлашган, абор ҳолга келиб қолган "Саховат уйи"га бориб, бу ердаги шароитлар билан танишган, салкам 40 йил аввал қурилган бино анчагина эскириб қолганлиги сабабли яқка-ёлғиз нурунийларга мўлжалланган янги мажмуа барпо этиш топшириғини берган эди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида давлатимиз раҳбарининг тегишли тавсия ва амалий кўмағида баҳаво жойда юқори даражадаги қўлайликларга эга замонавий маскан қад ростланди. Мавжуд маъмурият биноси, турар жойда ички пардозлаш ишлари амалга оширилди, электр, сантехника, иситиш тармоқлари янгиланди. Янги уч қаватли бино ва бошқа хўжалик иншоотлари қуриб битказилди. Қолаверса, маъмурият биносига муассасага мувожаат этилган фуқароларни қабул қилиш учун замонавий жиҳозлар билан таъминланган алоҳида қабулхоналар мавжуд.

Янги "Саховат уйи"даги тўртта кotteжда ҳар бир яшовчи учун алоҳида хоналар ташкил этилган бўлиб, улар телевизор, музлатгич, душ ва кундалик турмушнинг бошқа зарур воситалари билан жиҳозланган. Муолажа ва физиотерапия хоналари, сув ҳавзаси, тренажёр зали, 120 ўринли ошхона бу ерда яшовчиларнинг бино ичидан чиқмаган ҳолда саломатликларини тиклашлари учун хизмат қилади. Бундан ташқари, нурунийларнинг кўнглили ҳордиқ чиқаришлари учун дам олиш заллари ва 1200 адабиёт билан таъминланган кутубхона ҳам ташкил этилди. Мазкур қурилиш ишлари учун 18 миллиард 300 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди.

– Кечагидай ёдимда, бундан тўрт ой бурун Президентимизнинг биз фарибона яшаётган масканимизга келиб, "Менга Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бирдек қадри. Сизларга



ижтимоий ҳимояни кучайтираемиз. "Саховат уйи" учун янги бино қуриб берилади. Муносиб шароитларда яшайсиз, даволанасиз", деган фикрлари кайфиятимизни кўтарганди, – деди бу ерда яшовчилардан бири, 73 ёшли Каримжон Юсупов. – Мана, давлатимиз раҳбарининг берган ваъдалари айтилган мuddатда бажарилди. Янги уйимизга келиб, кўнглимиз ўн

қарра кўтарилди. Шароитлар кутганимизданда аъло бўлибди. Президентимизга миңг раҳмат!

Тантанали тадбирда халқимизнинг меҳр-мурувват, саховат каби инсонпарварлик қадриятларининг амалдаги ифодаси сифатида "Саховат уйи" жамоасига Президент совғаси – "Isuzu" автобуси қалити топширилди.



## Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш такомиллаштирилади

**2021 йил 19 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-5152-сонли қарори қабул қилинди.**

Қарорга қўра, **2022 йил 1 июлгача** республикадаги:

- **1 227** та кўп квартирали уй-жой;
- **30** та мактаб;
- **64** та мактабгача таълим ташкилотлари;
- **9** та ОТМ ва коллеж;
- **90** та автотураргоҳ;
- **173** та болалар майдончалари жойлашган ҳудудлар (жами 16 281 878 квадрат метр майдон) очиқ танлов ўтказиш йўли билан бошқарувчи ташкилотларга бириктирилади.

Барча давлат буюртмачиларига танланган бошқарувчи ташкилот билан бириктирилган ҳудудда истисно тариқасида танлов ўтказмасдан коммунал ва авария вазиятларини бартараф этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тўғридан-тўғри шартнома тузишга рўхсат этилади.

Шунингдек, Қарорга қўра, **2022–2025 йилларда:**

- **6 085** та кўп квартирали уй-жойлар муқаммал ва жорий таъмирланади;
- **1 800** та болалар майдончаси қурилади ва таъмирланади;
- кўп квартирали уй-жойларга туташ **1 102 миңг** квадрат метр майдондаги йўлаклар бетонланади;
- **14 387** та ташқи ёритиш тизими таъмирланади.

Шу билан бирга, эксплуатация мuddатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган жами 268 та кўп квартирали уй-жойлар реновация қилинади. Шундан 2021 йилда 211 та уйлар бузиб қайта тикланади ҳамда 57 таси реконструкция қилинади.

2021 йил 1 июлдан ҳар бир кўп квартирали уй-жой учун мажбурий бадалларнинг ёки тўловларнинг алоҳида ҳисоби юритилиши шарт. Қарорга қўра, мулкдорлар ёки бошқарувчиларга кўп квартирали уй-жойларга туташ ер участкалари чегаралари ва ўлчамларини белгилаш ҳамда уларга доимий фойдаланиш ҳуқуқини белгилувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштириш учун тўловларни бир йил давомида тенг улушларда бўлиб бўлиб тўлашга рўхсат этилади.

Бошқарувчилар бир йилда бир марта кўп квартирали уй-жойлардаги таянч ва устисқ конструкциялар (умумий мол-мулк) бутлигини хатловдан ўтказиши.

## Уй-жой қурилиши демография билан боғлиқ

Ислом ИБОДУЛЛА, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

**Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида сўнгги йилларда кескин ўсишга эришилмоқда. Маълумотларга қўра, 2021 йилнинг январь-май ойларида Ўзбекистонда 37,3 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Бу қийматдаги маблағларнинг катта қисми турар жой қурилишлари учун сарфланди.**

Ўзбекистонда урбанизация даражасининг 2021 йил манзараси мамлакат аҳолисининг шаҳарлашаётганини кўрсатди. 1 апрель ҳолатига қўра, юртимиз аҳолиси сони 34 696 553 нафарни ташкил этган. Бугун ватандошларимизнинг 17 487,5 нафари шаҳарларга, қолган 17 071,4 нафари эса қишлоқларга тўғри келмоқда. Солиштириш учун, аср бошларида халқимизнинг қарийб 2/3 қисми қишлоқларда яшаган. Албатта, бундай демографик ўсиш шартли равишда аҳолини уй-жой билан таъминлаш жараёнини активлаштирилади. Сўнгги йилларда мамлакатда қурилиш тизими каттагина бюджетга эга йирик соҳалар қаторига кирди.

Демографик ўсиш ва аҳолини уй-жой билан таъминлашдаги ҳаракатларда пойтахтнинг ўз ўрни бор. Жумладан, Тошкент шаҳрида аҳоли турар жой биноларининг қурилиши кескин ривожланди. Бу ўринда Тошкент шаҳри ва Тош-

кент вилоятининг бир қисм туманлари негизда Янги ҳаёт маъмурий бирлиги ташкил этилди. Ушбу туман ерлари ҳозирги кунда қайтадан "ўзлаштирилмоқда". Бу ўринда ҳудуддаги икки миңг йиллик тарихга эга Чоштепа маҳалласининг янги кўриниши – Янги Чоштепа маҳалласи уй-жойга муҳтож мамлакатимиз аҳолисини ўз бағрига олмақда.

– Қурилишда илғор технологиялардан фойдаланиш биноларнинг мустаҳкамлиги ва ишончилигини кафолатлайди, – деди "Янги Чоштепа" турар жой мажмуаси мутахассиси Севинч Ҳамдамова. – Янги Чоштепадаги биноларнинг сейсмик зилзилабардошлилиги 8 баллга тенг. "Tunnel Kalip" қурилиш технологияси нафақат иншоотларнинг чидамчилигини орттиради, балки қурилишга сарфланганидан вақтни ҳам қисқартиради. Замонавий ва сифатли изоляция минерал пахта ва базальт толасидан фойдаланилиб, турар жой биноларининг энергия самарадорлиги оширилган.

"Discover Invest" компанияси ва турк мутахассислари ҳамкорлигида қурилатган йирик аҳоли пунктда шу кунга қадар 66 та уй ва 3 400 та хонадон сохибларига топширилган бўлса, ҳудуднинг бошқа қисмида иккинчи босқич қурилиши давом этмоқда. 2022 йилгача яна 9 та иншоот якунланади. Бугун мамлакатимиз қурилиш салоҳиятининг ўсиши, келажакда демографик ва урбанизация билан бевосита параллел ривожланган шаҳарлаш жараёнида ўз сўзини айтади.

## "Янги АСР ИСТЕЪДОДЛАРИ – 2021" ғолиблари аниқланди

Райхона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

**Ўқийман, изланаман, ишлайман, деганга барча шароит бор. Айниқса, у талаба бўлса, бу имконият икки ҳисса ортиқ. Уларнинг иқтидорини аниқлаш, ривожлантириш ҳамда фаолиятига мотивация беришда танловларнинг ўрни катта бўляпти.**



ТАҚИ талабаси Гулчехра Мелибоеванинг Термиз шаҳридаги Сурхондарё миллий-этниқ услубидаги хиёбон ландшафт лойиҳаси.

### Қонунчиликни билинг

## Шаҳарсозлик кодексининг 29-моддаси нима ҳақида?

**29-модда.** Муаллифлик назорати

Муаллифлик назорати ишлаб чиқувчи томонидан шартнома асосида объектни қуришининг (реконструкция қилишининг) бутун даври давомида амалга оширилади. Ишлаб чиқувчи муаллифлик назоратини амалга ошириш бўйича ўз ваколатларини шартнома асосида бошқа ишлаб чиқувчи, бу ҳақда буюртмачини хабардор қилган ҳолда, топшириш ҳуқуқига эга.

Муаллифлик назорати бўйича мутахассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштирилган бўлиши керак.

**Муаллифлик назорати бўйича мутахассис:**

- ➔ қурилиш-монтаж ишларининг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларида қабул қилинган лойиҳа ечимларида мувофиқ бажарилишини назорат қилади;
- ➔ яширин ишларни кўриқдан ўтказиш ва муҳим конструкцияларни оралик қабул қилиш тўғрисидаги даъватнома билан расмийлаштиришда қатнашади;
- ➔ муаллифлик назорати журнали тўғри юритилишини таъминлайди ва муаллифлик назорати журналига тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларидан четта чиқишлар тўғрисидаги ёзувларни киритади, улар буюртмачи ва пудратчи томонидан бажарилиши мажбурийдир;
- ➔ тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларидан конструкцияларнинг ишончилигига ҳамда бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлилигига таъсир кўрсатувчи, шунингдек, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи четта чиқишлар аниқланганда, буюртмачини ҳамда ҳудудий инспекцияни таъсирчан чоралар кўриш учун хабардор қилган ҳолда, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туради;
- ➔ қурилиш объектининг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлади.

Объектни қуриш (реконструкция қилиш) тугаллангандан сўнг муаллифлик назорати бўйича мутахассис буюртмачига бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Муаллифлик назорати бўйича мутахассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириш мумкин.



## Кичик саноат зонаси – имкониятлар маскани

Шамсиддин ВАИСОВ,  
"Хоразм" кичик саноат зоналари дирекцияси ДУК директори.

**Хоразм вилоятида Кичик саноат зонаси учун 69,9 гектар ер майдони ажратилиб, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, ҳудудда фаолият юритадиган ишлаб чиқариш корхоналари учун зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси йўлга қўйилляпти.**

Кўплаб соҳаларни ўз ичига олган истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Жумладан, мева-сабзавот ва қишлоқ ҳўжа-

лиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, пойабзал, фармацевтика, машина-созлик, қурилиш материаллари ва бошқа йўналишларда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда кичик саноат зонасида 51 та лойиҳа ишга тушиши натижасида 63,0 млрд сўм миқдорда инвестиция киритилиб, 403 та янги иш ўрни яратилди. Вилоятдаги кичик саноат зоналарида импорт ўрнини босувчи умумий қиймати 30,9 млрд сўм бўлган 6 та лойиҳа амалга оширилган ҳамда 50 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди.

Жумладан, "Uz Dong Yang Ko" ҚК МЧЖ томонидан 1,2 млрд сўм маблағлар ўзлаштирилиши ҳисобига "Дамас" автомобилларнинг ички безак қисмлари ишлаб чиқа-

рилипти. "Marvarid Hamkor" МЧЖ томонидан 1,1 млрд сўм ўзлаштирилиши ҳисобига акрил ванна ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. "Ар логистик везетей-бл энд Фруитс" МЧЖ томонидан умумий қиймати 7,3 млрд сўм бўлган қайта ишланган ва қуритилган мева-сабзавотлар, гўшт, гўшт маҳсулотлари, сараланган маккажўҳорини қадоқлаш лойиҳаси амалга оширилган.

Шунингдек, вилоятда кичик саноат зоналарининг инфратузилма тармоқларини яхшилаш учун 3,0 млрд сўм маблағ ажратилиши ҳисобига Хива тумани "Заунгур" кичик саноат зонасига 7,0 километр ичимлик суви тармоғи, Урганч туманидаги "Пиво заводи" кичик саноат зонасига 1,0 километр канализация тармоғи ўтказилди.



## Цемент нархи қандай "жилов"ланади?

Ислом ИБДУЛЛА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Замонавий қурилишнинг асосий ресурси ҳисобланган цементнинг қиймати одатда мавсумий ўзгаришларга учраб туради. Хомашё нархи йилнинг ёғингарчилик палласида тушиш қайд этса, баҳор ва ёз ойларида нисбатан юқорилайди. Ҳўш, Ўзбекистон шароитида цемент нархи қандай "жилов"ланади?**

Мамлакатда цемент нархи мавсумлар оралиғида кўтарилишининг олдини олишда шу кунгача бир қанча ҳаракатлар реализация этилди. Жумладан, биржа савдоларида кунлик режадаги 32 минг тонна ўрнига 40 минг тонна цемент чиқариш таъминланди. Олди-сотди муҳитида "fogvard" савдо тури жорий қилиниб, биржада харид қилинган цементни автомобиль транспортидан фойдаланган ҳолда юклаб жўнатиш муддати 10 кундан 5 кунга қисқартирилди.

Ички бозорда нарх-навоми барқарорлаштириш ўлканинг йиллик цемент эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ. Сўнгги йилларда қурилиш жараёнларининг кўлами бир қадр ортди. Натижада цементга бўлган эҳтиёж даражаси ҳам кенгайди. Бу вазият шарти равишда ички саноат қувватларини кенгайтириши талаб этади. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши билан 2021 йилда цемент ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланснинг параметрлари тасдиқланган. Унга кўра, жорий йилда 16,4 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилиши ва шундан 9,5 миллион тоннасини биржа савдолари орқали сотиш белгиланган.

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг биринчи чорагида 2,9 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш қарийб 125,0 фоизни ташкил этган. 2021 йилнинг шу давригача 765,3 минг тонна цемент импорт қилинган ва бу 2020 йилга нисбатан 2,7 баравар ортиқ бўлди. Йил якунигача йиллик қуввати 4,9 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш лойиҳалари иш бошлади ва кейинги йилларда ички цемент ишлаб чиқариш энержияси 20 миллион тоннага етказилади. Бунинг ортида келажакда цемент хомашёси таннархининг барқарорлиги эришилади.

## Индустрия равнақи экспортда намоён бўлади

Зайлобиддин ЙГИТАЛИЕВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Кўқон" эркин иқтисодий зонасидаги корхоналарни модернизация қилиш, техника ва технологик жиҳатдан янгилашга доир дастурларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотлар тури ва ҳажмини кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда.**



Суратда: "Кўқон" эркин иқтисодий зонасида лавҳа Муаллиф олган сурат.

Бугунги кунда "Shaffof metan sanoati" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси юқори босимли газбаллонлари, "Andela" МЧЖ эркаклар кўйлаклари, Бирлашган Араб Амирлиги билан ҳамкорликдаги "Rosso electronics technologies" қўшма корхонаси телевизор ва Туркия билан ҳамкорликдаги "Do'st textile" қўшма корхонаси бўялган тўқима мато каби маҳсулотлар ишлаб чиқаряпти.

Эркин иқтисодий зонадаги "Indogama Co.Ltd" Сингапур компанияси томонидан мавжуд қувватларни модернизациялаш ва кенгайтириш ҳисобига сульфат кислотаси, фосфор концентрати, аммиак ишлаб чиқариш ва янги турдаги кимёвий моддалар бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобига қўшимча юз нафардан зиёд фуқаро иш билан таъминланди. Шунингдек, "Evergreen International" Корея компанияси томонидан юк кўтариш техникаси (кара) ва қишлоқ ҳўжалиги мини тракторлари ҳамда электромобиллар тайёрлашнинг йўлга қўйилиши билан мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Туркия давлати билан ҳамкорликдаги ип-газлама тўқимачилиги ва унга бўёқ бериш корхонасида 20 дан ортиқ турдаги матолар тўқилиб, бўялмоқда ва тайёр маҳсулотлар МДҲ давлатларига экспорт қилиняпти.

Жорий йил якунигача 5 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилиниши кўтилляпти. Умумий қиймати 7 800 минг АҚШ долларини ташкил этувчи ушбу лойиҳа 5 босқичдан иборат. Йил охиригача 90 фоиз тайёр маҳсулотни четга экспорт қилиш ва ишчилар сонини 300 нафарга етказиш кўзда тутилган.

– Эркин иқтисодий зонада Фарғона вилояти божхона бошқармасининг "Кўқон" ТИФ божхона пости пункти ташкил этилди, – деди пост инспектори Элёр Нуралиев. – Натижада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб қилинган ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар соддалаштирилган тартибда амалга оширилмоқда. Бу – тадбиркорларнинг айланма маблағларини тезкорлик билан амалга оширишига хизмат қилади.

## Тўйга тўёна билан

Ҳамза ШУКУРОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Самарқанд вилоятида ҳам мактабгача таълим ташкилоти бўғинини ривожлантиришга катта эътибор берилляпти. Вилоятда болажонларни қамраб олиш даражасини 77 фоизга етказиш бўйича саъй-ҳаракатлар янада авж олдирилган. Бунда "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК вилоят филиали ташаббус кўрсатиб, барчага ибрат бўляпти.**

– Жамоамиз 2021 йилда улкан мақсад сари интилмоқда, – деди

корхона директори Азамат Бекмиратов. – Зиммадаги маъсуляти рўёбга чиқариш учун айна пайта давлат топириғи бўйича буюртма асосида туман ва шаҳарларда қарийб 3 000 ўринли замонавий қўшма маҳсулотлар барпо этишга киришилган. Бундан ташқари кўплас эски МТТлар қайтадан мослаштирилляпти.

Каттақўрғон шаҳар педагогика коллежи базасига тегишли, Нарпай, Оқдарё, Жомбой, Тайлоқ, Ургут туманларидаги МТТларда иш жадал олиб бориляпти. Пудратчи ташкилотлардан "Матлуба Умида", "Темурмаликстрой", "Амирбекмонтаж қурилиш", "Курувчи Бинокор Туркистон", "Жомбойқурилиш", "Азиядор ремстрой стандарт", "Файз-ИЧ" МЧЖ ва хусусий қурилиш корхоналари фаолияти ҳақида ҳар қанча гапириш мумкин.

Масалан, Самарқанд туманида-ратов. 15-МТТда тажрибали мутахассис Қосим Қаршиев бошлиқ "Темир Қалқон" МЧЖ бинокорлари объектни муддатида фойдаланишга топириш учун астойдил ишлашляпти. Усталарнинг қўли-қўлига теғмайди. Муҳими, барча ишлар сифатли бажарилаётганлиги қалбга қувонч бағишляпти.

– 5 миллиард 344 миллион сўм маблағ ажратилган мактабгача таълим ташкилоти биносини "Индивидуал комфорт" МЧЖ лойиҳаси асосида мукамал таъмирлашга бел боғланган, – дейди иш юритувчи Шерзод Абдуғаниев. – Ҳозир 70 дан зиёд қурувчилар топирилган вази-фани сидқидил бажариб, режадан ўзиб меҳнат қилишмоқда. Объектни Республика Мустақиллигининг 30 йиллиғига тўёна сифатида топириш орзумизга айланган.

## "ЯНГИ АСР ИСТЕЪДОДЛАРИ – 2021" ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

1-бەт

Қурилиш, Инновацион ривожланиш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш ва Тошкент архитектура-қурилиш институтлари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган аънанавий "Янги аср истеъдодлари-2021" республика кўрик-танловининг ғолиблари аниқланди.

Онлайн тарзда ўтказилган танловда олий таълим муассасалари иқтидорли талабаларининг 100 дан ортиқ ишлари кўриб чиқилди. Уларнинг иқтидори, инновацион лойиҳа ва ишланмаларни қўллаб-қувватлаш, юқори салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш ҳамда илмий-тадқиқот ишлариға қизиқтириш мақсадида ташкил қилинган танлов Қурилиш вазирлиғида ўтказилди. Унда "Энг яхши тасвирий ва амалий санъат асари" (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва ўймакорлик), "Энг яхши архитектуравий инновацион лойиҳа ва макет", "Энг яхши меъморий таъмирлаш, қайта тиклаш ва композиция лойиҳаси", "Энг яхши ландшафт ва интерьер дизайни", "Энг яхши инновацион муҳандислик-коммуникация лойиҳалари ва ишланмалари", "Энг яхши инновацион қурилиш материаллари ва технологиялари", "Энг яхши инновацион бизнес лойиҳа", "Энг яхши зилзилабардош бинолар ва конструкциялар", "Энг яхши инновацион энергосамардор лойиҳалар ва ишланмалар" каби тўққизта номинация бўйича иқтидорлилар аниқланди.

– Танловда икки йўналишда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдим, – деди ТАҚИ магистранти Элбек Раҳимов. – "Энг яхши меъморий таъмирлаш, қайта тиклаш ва композиция лойиҳаси" йўналишига "Самарқанд шаҳрида жойлашган меъморий композицияларни инновацион лойиҳалар асосида қайта тиклаш" мавзусидаги

лойиҳамни тақдим этгандим. Архитектура ёдгорликлари инсон кўли билан яратилган ноёб санъат асарлари бўлиб, улар халқнинг маданий мероси ҳисобланади. Уларни қайта таъмирлаш ва тиклаш долзарб мавзудир. Хусусан, Библионим жоме масжиди конструкцияларида турли йилларда тиклаш ишлари олиб борилган бўлиб, асосий пештоқ конструкцияси темир-бетон конструкция билан қучайтирилган ҳамда арка конструкцияси пўлат стерженлар ёрдамида осиб қўйилган. Республикамининг аксарият ер майдони сейсмик фаол ҳудудда жойлашганини ҳисобга олиб, масжид конструкцияларининг техник ҳолатини сонли усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш ҳамда сейсмик мустақамлигини баҳолаш долзарб масала саналади. Тақдимотда айнан шу жиҳатига эътибор қаратдим.

– "Самарқанд шаҳридаги "Смарт сити" турар жой мажмуаси дам олиш ҳудуди лойиҳаси" мавзусидаги ишим билан танловда қатнашдим, – деди СамДАҚИ талабаси Гулшан Қаҳорова. – Тақдимотда экологик муаммолар ва ресурсларни тежаш, миграция жараёнларининг қучайиши ва аҳоли сонининг кўпайиши, шаҳар инфратузилмасига талабларнинг ортиши каби катта миқдордаги маълумотларни қайта ишлаш зарурлиги тўғрисидаги тақлифларимни билдирдим. "Смарт сити" бу – шаҳар инфратузилмасини бошқариш ва оптималлаштириш ишларини ўзгартириш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини бириктириш принциpidир. Лойиҳа концепциясининг глобал мақсади – фуқароларнинг ўз имкониятлари доирасидаги ижтимоий фаровонлиги, давлат назорати, тадбиркорлик ташаббуси ва аҳолини жалб қилиш орқали шаҳар атроф-муҳитининг сифатини яхшилашдан иборат. "Ландшафт дизайни" соҳасидаги лойиҳаларда "Смарт технологиялар"нинг жорий этилиши давр талаbidир. Шу боис, аҳоли турар жой масканлари ҳамда жамоат бинолари ҳудудида "Эко хиёбон" – рекреацион дам олиш масканларини яратиш бўйича Самарқанд шаҳридаги "Смарт сити" турар жой мажмуаси дам олиш ҳудуди лойиҳасини яратдим.

– Танловда "Энг яхши тасвирий ва амалий санъат асари (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва ўймакорлик)" ва "Энг яхши ландшафт ва интерьер дизайни" номинацияси бўйича ғолиб бўлдим, – деди ТАҚИ талабаси Гулчехра Мелибоева. – Иккала тақдимотда ҳам миллийлик ва замонавийлигини уйғунлаштирган ҳолда ишлашга интилдим. Уларда ўзимизнинг миллийлигимиз, ўзбекона руҳини бир қарашда илғаш мумкин.

Талабалар ўртасида йилдан-йилга нуфузи ва кўлами ортиб бораётган ушбу танлов ҳар йили ўзига хос бир жиҳати билан ажралиб туради. Бу йилги иштирокчилар ҳақида ташкилотчилар қандай фикрда?

– Ишлар таҳлили жараёнида аксарияти мукамал ва сифатли яратилганини кўрдик, – деди Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Аъзамиддин Қўлдошев. – Ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликлар бу йилги иштирокчиларда кузатилмади. Аксинча, танловга топирилган лойиҳалар иштирокчилар томонидан батафсил тақдимот қилиб берилган. Онлайн тарзда ташкил қилинган бўлса-да, тақдимотлар орқали ишларнинг мақсад-вазифалари ва аниқлигини бемалол кўриш мумкин. Агар иқтидорли талабалар томонидан тақдимот этилган янги инновацион фойлар лойиҳа ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланиб, амалга оширилса, келажакда қурилиш соҳаси янада тараққий этишига хизмат қилган бўларди.



СамДАҚИ талабаси Гулшан Қаҳорованинг Самарқанд шаҳри, Мирзо Бедил кўчасидаги "Смарт сити" турар жой мажмуаси лойиҳаси.

### "ЯНГИ АСР ИСТЕЪДОДЛАРИ – 2021" республика кўрик-танлови ғолиблари рўйхати

Т/р	Иштирокчининг Ф.И.Ш	Таълим олаётган ОТМ номи	Таълим йўналиши	Курси	Раҳбари
<b>Энг яхши тасвирий ва амалий санъат асари (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва ўймакорлик).</b>					
1.	Мелибоева Гулчехра	ТАҚИ	Дизайн	3	Ишматов Жўрабай
2.	Кўчиева Динара	ТДПУ	Тасвирий санъат	1	Абдурасилов Суннат
3.	Алиева Насиба	СамДАҚИ	Дизайн	3	Гулмирзаев Ўқтамжон

### Энг яхши архитектуравий инновацион лойиҳа ва макет.

1.	Турсунов Диёрбек	ТуринПУ	Саноат-фуқаро қурилиши ва архитектура	2	Рейимбаев Шухрат
2.	Раҳимов Шахриёр	СамДАҚИ	Архитектура	2	Айматов Анвар
3.	Ярашева Диёра	ТАҚИ	Архитектура	3	Назаренко Татьяна

### Энг яхши меъморий таъмирлаш, қайта тиклаш ва композиция лойиҳаси.

1.	Раҳимов Элбек	ТАҚИ	Бино ва иншоотларни конструктив лойиҳалаш	1	Юсупов Раҳимбай
2.	Жўраев Орифжон	СамДАҚИ	Архитектура ёдгорликлари реконструкция ва реставрация қилиш	1	Файзуллаева Нодира
3.	Ёқубов Нозим	СамДАҚИ	Архитектура	4	Қаюмов Ҳабиб

### Энг яхши ландшафт ва интерьер дизайни.

1.	Қаҳорова Гулшан	СамДАҚИ	Дизайн	2	Каримов Улуғбек
2.	Мелибоева Гулчехра	ТАҚИ	Дизайн	3	Субҳонов Ферузжон
3.	Садинаова Юлдуз	СамДАҚИ	Архитектура муҳитлари дизайни	3	Каримов Улуғбек

### Энг яхши инновацион муҳандислик – коммуникация лойиҳалари ва ишланмалари.

1.	Раҳимов Элбек	УрДУ	Архитектура	1	Раҳимов Раҳимбой
2.	Маҳмудова Хосиятбону	СамДАҚИ	МКҚМ	1	Муртазаев Фарҳод
3.	Бахронов Собир	СамДАҚИ	СРМҚ ва УСФ	2 магистр	Яқубов Қутфидин

### Энг яхши инновацион қурилиш материаллари ва технологиялари.

1.	Қуролова Норигул	СамДАҚИ	ҚМБваКИЧ	2 магистр	Баҳриев Нуритдин
2.	Хўразов Исмоилхон	СамДАҚИ	ҚМБваКИЧ	4	Қулдашев Холжигит
3.	Авазов Жавлонбек	СамДАҚИ	ҚМБваКИЧ	2	Бўриева Соҳиба

### Энг яхши инновацион бизнес лойиҳа.

1.	Шерзодова Диёра	СамДАҚИ	Иқтисодиёт	2	Раҳимов Санжар
2.	Раҳимов Элбек	ТАҚИ	БИКЛ-20	1	Юсупходжаев Саидгани
3.	Абдуқамомов Озодбек	СамДАҚИ	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш	2	Бўриев Ҳаким

### Энг яхши зилзилабардош бинолар ва конструкциялар.

1.	Қаландаров Сирож	СамДАҚИ	Бино ва иншоотлар қурилиши	4	Баҳриев Нуритдин
----	------------------	---------	----------------------------	---	------------------

### Энг яхши инновацион энергосамардор лойиҳалар ва ишланмалар.

1.	Матёқубов Бобур	СамДАҚИ	Бино ва иншоотлар қурилиши	2	Тулаков Элмурод
2.	Урагаалиев Ислом	ТАҚИ	Бино ва иншоотлар қурилиши	2	Ҳасанов Баҳром
3.	Фуломов Шаҳло	ТАҚИ	Менекмент	3	-



## Олотда мини футбол майдони қурилди

Зариф КОМИЛОВ,  
 ЎЗА мухбири.

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташири давомида ва Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берган топшириқлари доирасида Олот туманидаги “Баланд масжид” кишлоғидаги ёшларни спортга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида мини футбол стадиони қуриб фойдаланишга топширилди.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш, уларнинг соғлом турмуш тарзи қондаларига риоя қилишларини кучайтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида “Ўзагролизинг” АЖ томонидан қарийб 600 миллион сўм маблағ эвазига замонавий мини футбол стадиони қуриб фойдаланишга топширилди.

Мини футбол стадионининг очилиш маросимида “Ўзагролизинг” АЖ бошқаруви аъзолари, вилоят ва туман ҳокимлигининг масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш дав-

лат сиёсати даражасига кўтарилиб, айни вақтда, мамлакатимизда жисмоний жиҳатдан етуқ, соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги туб ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус ҳам ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир. Мазкур тадбир ҳам беш ташаббуснинг бири, яъни ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоеён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга қаратилганлиги эътироф этилди.

## Йўлсозликда ишлар авжида

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,  
 “O'zbekiston bunyodkori”  
 мухбири.

Фаргона вилояти ҳудудида 19 950,5 километр узунликдаги автомобиль йўллари, шундан 4 031 километр умумий фойдаланишдаги, 15 919,5 километр узунликдаги ички ҳўжалик йўллари мавжуд. Дастурлар доирасида 1 919,0 километр йўлда 544,3 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари белгиланган бўлиб, ўтган ойларида 493,1 километрда 180,7 миллиард сўмлик ишлар бажарилди.

4 та умумий йўлларда қуриш, қайта қуриш ишларини амалга ошириш учун 64,0 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 12 километр йўлни фойдаланишга топшириш белгиланган, – деди Фаргона вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Ойбек Назиров. – Тасдиқланган манзилли дастур доирасида 3 та объектга 8,5 миллиард сўм ажратилиб, ҳозиргача 2,7 миллиард сўмлик ишлар бажарилди.

Ички ҳўжалик йўллари жорий таъмирлаш дастурлари доираси-



да ҳам талай ишлар амалга оширилди. Барча кўчаларнинг лойиҳа ҳўжатлари ишлаб чиқилиб, ҳудудларда ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Шунингдек, вилоятда саннат зоналарини ташкил этиш бўйича берилган топшириқлардан келиб чиққан ҳолда “Кўкўн” эркин иқтисодий зонаси ички йўллари қуриш бўйича 21,0 километр учун 6,9 миллиард сўм маблағ ажратилиб, ҳозирда 3,3 миллиард сўмлик иш бажарилди.

Бугунги кунда ҳудуддаги А. Темур тор кўчаси, Оқ йўл, Оқ йўл 1-тор кўчаси, Оқ йўл 2-тор кўчаси, Гавҳар, Авиасозлар, Форобий, Мангулик, Хўжанд, Олтин замин, Муборақ, Халқобод, Барҳаёт, Тиниқсой (тепа), Тиниқсой (паст) кўчаларида ҳамда кўп қаватли уйларга кириш йўлидаги 15,6 километр ички йўлларга ҳам асфальт қопламалар ётқизилди.

## Янгилаш ишлар кўзга ташланяпти

Фозилжон ҚОСИМОВ,  
 “O'zbekiston bunyodkori”  
 мухбири.

Шароф Рашидов туманига қарашли Равотда “Обод кишлоқ” дастури доирасида белгиланган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Унга ҳар бир соҳа вакиллари ўз ҳиссасини кўшишга интиляпти.

Артизан қудуқлардан сув чиқарилиб эрта баҳордан 1 200 гектар лами майдонларда томчилаб сугориладиган янги боғлар барпо этилди, полиз ва дуккакли экин май-деқларни кўпайди. Айниқса, 4-секторга қарашли Нонисангил маҳалласида олиб борилаётган ишлар билан янгилаш ишлари яна ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, маҳаллада ўтган Жиззах-Зомин йуналишидаги автомобиль йўли кенгайтирилиб, лотоклар ётқизилди.


Электр таъминотини яхшилаш мақсадида ҳам маҳаллада 6,1 километр трансформаторли тармоқлар тортиш ва алмаштириш, 2 донна трансформаторларни ўрнатиш, таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, 2500 кВт қувватли трансформатор ўрнига 4000 кВт қувватли ўрнатиб берилди. Бугунгача 362 та аҳоли

ҳонадонда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Маҳаллада хавфсизликни таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида асосий кўчаларга видеокузатув камералари ўрнатилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2 километр сув қувурини тортиш учун чуқурлар қазиб қўйилди. 1 километрдан зиёд табиий газ тармоғи, жорий ва мукамал таъмирдан чиқарилди.

Маҳалладаги поликлиника ҳам таъмирланиб, 74 млн сўмлик замонавий мебель жиҳозлар билан жиҳозланди. Дарвоқе, дастур доирасида маҳаллада чуқурлаштирилган тиббий кўрик ҳам ташкиллаштирилди. Туман, вилоятдаги малакали мутахассислар иштирокисда кўрик жараёнида эҳтиём-манда оилалар, оналар ва болалар, ногиронлиги бўлган шахслар тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича зарур маслаҳат, тиббий йўланмалар ҳамда шифокорларнинг тавсия-сиға кўра, дори-дармонлар бепул тарқатилди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича зарур маслаҳат, тиббий йўланмалар ҳамда шифокорларнинг тавсия-сиға кўра, дори-дармонлар бепул тарқатилди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича зарур маслаҳат, тиббий йўланмалар ҳамда шифокорларнинг тавсия-сиға кўра, дори-дармонлар бепул тарқатилди.

## “Темурбеклар мактаби”да маҳорат дарслари



Суратларда: Лицейдан лавҳалар. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Фаргона шаҳридаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейида Қуроли Кучлар академияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тиклиниш” демократик партияси Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани кенгаши ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

“Ёшлар ойлари” доирасида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар ҳарбий академик лицей ўқувчилари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Шунингдек, тадбир давомида академиянинг тажрибали ҳарбий офицерлари, ўқитувчилари ихтисослашган фанлардан ўқувчилар учун маҳорат дарсларини ўтказди. Сафда юриш, спорт мусобақаси, қурол-яроғ кўргазмаси ташкил этилди.

– Бу ерни кичик армия дейиш мумкин, – дейди

Ўзбекистон “Миллий тиклиниш” демократик партиясининг Мирзо Улугбек тумани бўлими раҳбари Ботир Содиқов. – Кун тартиби ҳам ҳақиқий армия шароитида олиб борилади. Ўқувчилар Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуси билан тарбияланмоқда. Лицейда алоҳида ўқув бинноси, очик ва ёпиқ спорт мажмуаси, очик сув ҳавзаси, замонавий ошхона, ўқувчилар учун барча қулайликларга эга ётоқхона, бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, замонавий интернет тизими, бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва тўғарақ машғулоти учун замон талабларига жавоб берувчи мажмуалар мавжуд.

Тадбир якунида Қуроли Кучлар академияси бошлиғи, полковник Шавкат Мамажонов ўқувчилар билан самимий суҳбат қуриб, битирувчи ёшларнинг келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади ҳамда академияда ўқиш истаги бўлган ёшларга таклифлар берди.

## ОБЪЯВЛЕНИЕ О РЕЗУЛЬТАТАХ

НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНКУРСНЫХ ТОРГОВ 2021-01

Проект: “Строительство современных жилых домов в сельской местности” (Фаза-2)

с участием Исламского банка развития

Форма финансирования: Истисна'а

ПРОЕКТ № УЗБ-1004

ООО ИК “Кишлоқ қурилиш инвест”

Тендерные торги по отбору подрядных организаций для строительства в количестве 5 единиц 5-этажных, 2- и 3-х комнатных, 20 квартирных жилых домов по типовым проектам в сельской местности Наманганской области проводились с

1 апреля по 15 июня 2021 года, согласно объявлениям, опубликованным в газетах “Халқ сузи” №66 (7815) от 01.04.2021 г., “O'zbekiston bunyodkori” №27 (478) от 09.04.2021 г. и размещены на веб-сайте www.qjinvest.uz и www.tenderweek.com.

Результаты тендерных торгов и сумма победителя указаны в нижеприведенной таблице:

№ Лота	Наименование региона	Наименование массива	Многоэтажный дом с 2- и 3-х комнатными квартирами			Победители	Предложение победителя торга (сум)
			кол-во домов	кол-во квартир	№ дома		
	Наманганская область	1	5	100	5	14 960 484 764,00	
ИБР-28	Папский	Миришкор	1	20	1	ООО “Поп дизайн қурилиш”	3 007 363 531,00
ИБР-29	Папский	Миришкор	1	20	2	ООО “Фозилбек пласт сервис”	2 953 838 068,00
ИБР-30	Папский	Миришкор	1	20	3	ООО “Стандарт қурилиш таъминоти”	3 001 870 373,00
ИБР-31	Папский	Миришкор	1	20	4	ООО “Челси қурилиш дизайн”	2 990 265 792,00
ИБР-32	Папский	Миришкор	1	20	5	ЧП “Исломов Мансуржон”	3 007 147 000,00

Қарши шаҳрида жойлашган “TEGIRMON HOUSE” масъулияти чекланган жамияти (СТІР 300 625 305) таъсисчиларининг 2021 йил 17 июндаги умумий йиғилиши қарорига асосан мазкур жамиятнинг устав фонди 50 000 000

(эллик миллион) сўмдан 1 180 000 (бир миллион бир юз саксон минг) сўмга камайтирилиб, 48 820 000 (қирқ саккиз миллион саккиз юз йигирма минг) сўм қилиб белгиланганини маълум қилади.

## “Qashqadaryo kim oshdi savdo” МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2021 йилнинг 22 июль куни соат 11.00 дан бошлаб Қарши шаҳри, 4-митти туман ҳудудида жойлашган жамият офиси биносида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. Қашқадарё вилояти хотин-қизлар қўмитасига қарашли: 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 761 RAA бўлган, техник ҳолати носоз “Дамас” русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 7 883 150 сўм.

2. Қашқадарё вилояти ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказига қарашли: 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 139 EBA бўлган,

техник ҳолати носоз “Ласетти” русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 26 752 370 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 2021 йил 20 июль куни соат 16.00 да тўхталади.

Очик аукцион савдога қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача “Qashqadaryo kim oshdi savdo” МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, 4-митти туман, мўлжал: “Парвина” кафесининг ўнг ёни)да қабул қилинади.

Ғолиб харидорлар 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартнома тузишлари ва мулк қийматини олди-сотди шартномада кўрсатилган муддат ичида тўлаб беришлари шарт.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисида”ги қелишувга асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи

миқдориди закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона устави, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

Кўрсатилётган ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдориди ҳақ олинади.

Закалат пулини тўлаш учун реkvизитлар: “Qashqadaryo kim oshdi savdo” МЧЖ, “Ипотек-банк” АТИБ Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами: 2020 8000 5043 9626 6001 СТІР 205 560 394.

Манзил: Қарши шаҳри, 4-митти туман.

Мўлжал: “Парвина” кафеси ёнида.

Телефон: 95-505-08-99

1665 рақамли гувоҳнома.

## “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ

Сурхондарё вилояти филиали

оммавий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдога “Dori-Darmon” АК бошқарувининг 2021 йил 15 июндаги 36-сонли баёни қарори ва “SURXON DORI-DARMON” МЧЖнинг 2021 йил 17 июндаги 87-сонли буюртномасига асосан жамиятга тегишли Термиз тумани, Янгиҳаёт маҳалласида жойлашган умумий ер майдони – 600,0 квадрат метр бўлган 17-сонли дорихона биносининг бошланғич баҳоси – 368 505 978 сўмга ва Бойсун тумани, Оби маҳалласи, Олмазор кўчасида жойлашган

умумий ер майдони – 1 660,0 квадрат метр бўлган 4-сонли дорихона биносининг бошланғич баҳоси – 1 008 173 354 сўмга www.auctionsavdo.uz онлайн электрон платформасига очик оммавий аукцион савдоларига қўйилганини маълум қиламиз.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат қелишуви-га асосан мулк бошланғич баҳосининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда

закалат пулини кўрсатилган муддатга қадар “KMSX” МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0049 2060 9027 “Трастбанк” ХАБ Термиз шаҳар филиали МФО 01063 СТІР 207 122 519.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-“а” уй.

Телефон: 91-575-43-85.

Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

RR-0001-сонли лицензия.



Дилдаги гаплар

Яна чироқ ўчсайди...

Райхона ХУЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кечга яқин чироқ ўчиб қолди. "Дом"дагилар саросимада. Одатда, шам ва чироқ каби буюмлардан шаҳарда доимий равишда фойдаланилмагани учун топиш қийин. Ҳартугул, қўл телефонларнинг фанари бор. Хона ёришди, аммо бизга нимадир етишмаётгандек эди. Ахир, техника чангалига тушиб қолган одамзот учун чироқнинг вақтинчалик ўчиши ҳам катта фожиа-да.

майда-чуйда олдиқ-да, маҳалланинг ёши улуг онахонларидан бири – Мастура опоқини кўришга кирдик.

Касал баҳона дийдор ғанимат бўлди, ўзи-ям. Мастура опоқинида ўтган бир соат давомида кўни-қўшни, маҳалла-куйдаги бир олам янгиликдан боҳар бўлди. Ишонмай-сизми?

Бир ҳафта олдин Нодира опа кенжа қизининг фотиҳасини қилибди. Тўй кузда экан. Рўпарамизда яшовчи наманганлик Муқаддас опанинг анчадан бери хорижда ўқиётган ўғли ва ниҳоят, уйга қайтаётган эмиш. Тўртта фарзандини ҳам ижара уйда яшаб туққан Сафура опанинг янгилиги ҳаммамизни бирдек қувонтирди. Унга ишончасидан имтиёзли кредит асосида янги қурилган уйлардан беришибди.

– Яқинда кўчиб ўтсам, ҳамманганини уй тўйига чақираман, – деди опа хурсанд бўлиб. Уйга қайтар эканмиз, эрақларнинг бир жойига тўпланишиб турганини устидан чиқдик. Не кўз билан кўрайликки, йўлак эшиги ёнида анчадан бери синиб ётган эски ўриндиқни яп-янгидай қилиб таъмирлаб қўйишибди. Камига турли рангдаги бўёқда бўйша ҳам улгуришибди, барака топгурлар.

– Кўлларинг дард кўрмасин, ўғилларим. Яна бир юмуш бор-да, агар йўқ демасаларинг? – деб қолди орамизда ёши улугимиз Манзура буви. – Мана шу қуриган дарахт шохларини кесиб ташлаш керак. Қаттиқроқ шамол турса кимнидир машинаси ёки болаларнинг устига қулаб тушишидан қўрқаман.

– "Хўп бўлади, бувижон", дея ишга киришган "дом"имизнинг сергайрат эрақларига фахр билан қарарканмиз, биз ҳам бўш ўтирмаздан улар учун болалар майдончасидаги ўриндиқларга чиройли дастурхон ёзишга киришдик. Болалар ҳам қараб тургани йўқ. Қўлидан иш келгани сув селган, бошқаси сулрган. Ўғил болачалар ахлат ташиган. Анча пайтдан буён тазаланмаган уй атрофи ва болалар майдончаси кўчликнинг ҳаракати билан бир зумда чиннидек ялтираб қолди.

Ҳайрати жўшиб кетган йигитлар дарахт шохларини кесибдан ташқари, ён-атрофдаги арчаларга ҳам чиройли шакл беришга улгуришибди.

Уларга қараб, "Наҳотки, техника бизни шунчалик оқибатсиз инсонга айлантирган бўлса?" дея ўйлаб қолдим. Ҳар йили баҳорда, унда ҳам фақатгина сумалак пиширганда шундай йиғилардик-да. Бошқа пайт ҳамма ишга, ўқишга, кечқурун уйига шовшган. Вақт топиб, бир-биримиздан хабар олиш тугул, ҳолаҳвол сўрашга ҳам улгурмаймиз.

Бир дастурхондан кўллашиб таом еган кишиларнинг аҳил-иноқлиги ортади, дер эди бобом доим. Тоза-озода, чиройли ҳовлида самимий суҳбат кураётган маҳаллодошларим билан фахрланиб кетдим.

Алламаҳалда уй-уйимизга тарқалдик. Ҳамон чироқ йўқ, Фарзандларимнинг ҳам уйқуси келмаган. Ҳар кун бири телевизор кўрган, иккинчиси телефонда ўйин ўйнаган, бошқаси планшетда кино томоша қилгани учун қачон ухлагани билинмас экан. Биттагина ёруғ хонада бутун оила жамулжам. Бунақаси ҳар доим ҳам бўлавермайди.

– Келинлар, яхшиси бир ўйин ўйнаймиз! – Қандай ўйин? – чуғурлашди болалар. – "Ким кўп шеър айтади?" ўйини. Ғолибга совға бор.

Улар ёд олган шеърларини завқ билан айташга киришдилар. Уларга қараб, болалигим ёдимга тушди. У пайтлар қишлоқ жойларда деярли ҳар кун кечқурун чироқ учарди (ҳозир ҳам қолишмайди). Кундузи ичига керосин тўдирилган чироқларни тайёрлаб, шисшаларини ялтратиб артиб кўярдик. Биз болалар дарсимизни қилиб бўлганимиздан кейин, ота-онамиз бадий асар ёки газета ўқишарди. Мен эса ука-сингилларимга эртақ ўқиб берардим. Гоҳида бутун оила биргаликда бирор асар ёки эртаник муҳокама қилардик. Телевизор ёки телефонсиз ҳам ҳаётимиз жуда қизиқарли эди.

Ажойиб ҳаёллар оғушида эканман, "лип" этиб ёнган чироқнинг ўткир нуридан чўчиб тушдим. То ўзимга келгунимча, оила аъзоларим севимли "ўйинчоқлари"ни кўлларига олганича, хоналарига равона бўлишга улгурибди. – Айтганча, мени телефоним қани? Уйқусираганча смартфонни менга тутқазган кичик қизим қулоғимга шивирлади: – Яна чироқ ўчсайди...

Мухаррир минбари

УНУТИЛМАС САНА – мақсад ва вазифалар

Дилшод ЖАЛОЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" бош мухаррири.

Бугун "O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 500-сонини таърифи қилишга етиб бориши аввалида унинг илк сонини тайёрлаш жараёни бевосита эсга тушиди. 2016 йилнинг 10 июни эди. Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйини ташкил қилиш ва "O'zbekiston bunyodkori" газетасини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чиқди. Барчага маълумки, бозор иқтисоди шароитида бирон бир нашрни таъсис этиш, уни узлуksиз чоп эттиришнинг ўзи бўлмайди. Аввало етарлича маблағ, зарур техника воситалари ва жой масаласи, қолаверса, жамоани шакллантириш каби лар асосий вазифа бўлиб туради.

Олдимиздаги мана шу масъулиятли вазифани оғишмай адо этишимизда да мазкур қарор муҳим дастуриламал эди. Унинг шарофати билан орадан салкам икки ой ўтиб, яъни, 2016 йилнинг 2 августидан "O'zbekiston bunyodkori" газетасининг биринчи сонини дунё овозини кўрди ва шу санадан бошлаб ўз ўқувчисига эга бўлди. Нашр ўзининг дастлабки сонини "Озод ва обод юртга хизмат қиламиз!" широри остида чиқаришида ҳам ўзига хос маъно бор. Қўриб, ҳис қилиб турибмиз, ийлар силсиласи, одамлар ва жамият ўзгармоқда, ёши катталар яхши билишди, мустақилликка илк қадам ташлаганимизда қай аҳволда эдик. Уша кезлари тинчлик-хотиржамлигимизга раҳна солиш билан ўз йўлимизни танлашимизга, ўсиб келаятган ёшларимиз маънавиятини бузишга уринганлар кўп бўлди. Шундай вазиятда халқимиз бирдамлиги ва давлатимизнинг бу борада олиб борган аниқ мақсадли сиёсати қора кучларнинг ғаразли ниятларини пучга чиқарди.

Давлатимиз ва халқимиз истиқлолнинг дастлабки кунидан ўз йўлини тўғри танлаганининг самарасидан бугун барчамиз манфаатдормиз. Жамият юксалиши ва фаровон ҳаёт учун қандай соҳалар мавжуд бўлса, энди улар халқимизга бегона эмас, бунёдкорлик, яратувчанлик, сановат ва бошқа барча соҳаларда мағрур туриб фахрланса, аризулик ишларимиз, ишбилармон ҳамда дунёда ўз ўрнини топган тадбиркорларимиз, маҳсулотларимиз бор. Кейинги 5 йил ичида эришилган ютуқлар замирида ҳеч қимдан кам эмаслигимизни "мана-ман" дегувчи давлатлар ҳам тан олиб, ҳамкорлик қилишга қўл чўзишди.

Дориломон кунларга эришиб, унинг пойдевори ни янада барқарор мустақамлаш учун тинмай меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари, айниқса, шахарсозлик соҳасида амалга оширилаётган илчил ислохотлар ва бунёдкорликларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, қурилиш материаллари сановатиди ўзгаришларни мунтазам ёритиб бориш ҳамда соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, уй-жой ва коммунал хўжалик соҳасидаги ўзгаришлар, янги қонунлар, норматив ҳужжатларни аҳолининг барча қатламларига етказиш, тушунтириб бориш орқали уларнинг маънавий-ҳуқуқий онгини мунтазам равишда ошириш асосий мақсад қилинган.

Газетанинг биринчи сонини шакллантириш бўйича ўзига хос муаммолар бир



талай бўлиб турган пайтда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, танкичи ижодкор, марҳум Мурод Абдуллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Алиназар Эгамназаров, Маъсуджон Сулаймонов, Муҳаммади Рўзиев, Акрамжон Сатторов сингари тажрибали қаламкаш ҳамкасбларнинг ёрдам қўлини чўзганликлари алоҳида қайд этилишиди. Уларнинг қўллаб-қувватлашлари натижасида мақсадга эришилди.

Айни пайтда газетанинг ранг-баранг бўлиб чиқиши ва мавзулар қўлимизнинг кенгайиши ҳамда ўқувчилар сонининг ортиб боришида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, унинг тизимидаги ташкилотлар, виллоятлардаги бошқармалар, соҳага кадрлар тайёрлаб беришни таъминлаётган, шунингдек, бошқа қўллаб-қувватлаш мунтазам равишда қўллаб туришга ниҳоятда муваффақ бўлди.

Фақат буғина эмас, эндиликда газетамиз давр билан ҳамнафас бўлган ҳолда шу куннинг энг долзарб масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, қурилиш соҳаларида эришилган ютуқлар, янги қонунларнинг бунёд этилиши, ишга туширилаётган, замонавий қурилиш материаллари яратилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ қилинаётгани ва уларнинг қўлайлигию самараси, қурилиш ихтисослашган хорижий корхоналар билан ҳамкорликнинг истиқболлари, шулар баробарида, энг чекка қишлоқ ва овулларда кўп қаватли уй-жойлар қурилиши жадвал бораётгани, бундан ташқари жамиятимиз ривожига тўсқин бўлаётган муаммолар, уларга ечим топиш йўллари сингари қўллаб масалаларда ҳам муносабатини ўз ўқувчиларига етказиб берапти.

"O'zbekiston bunyodkori" газетаси таърифи жамоаси ўз олдига катта мақсадларни қўйган. Уларни рўёбга чиқаришда энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тасарруфидаги корхона ва ташкилотларга таяниб, бундан кейин ҳам Сиз азият ўқувчиларини ишончлигини оқлаш учун барча саъй-ҳаракатларини қилаверад.

Шу ўринда, газетанинг чоп этилишида, унинг ранг-баранглигини таъминлашда аштирок этаётган барча ҳамкор ташкилотлар, қаламкашларга миннатдорчилик билдириб, Сиз азият ўқувчилардан газетанинг янада сермазмун бўлиши бўйича ўз тақлифи ва мулоҳазаларингизни юборишингизни қўтиб қоламиз!

Бобурнинг Ҳиндистондаги "изи" – ТОЖ МАҲАЛ

Ислом ИБДУЛЛА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги Тож Маҳал мақбараси буюк аждодимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг авлодлари томонидан барпо эттирилганини барча билади. Бир инглиз лорди: "Дунё иккига бўлинади: Тож Маҳални кўрганлар ва кўрмаганлар" деган эди.



Урта Осиё халқлари ўзининг беўхшов тақдир билан жаҳон тарихини таъсирлантириб келган. Шундай тақдирлардан бири, шубҳасиз, Мирзо Бобурдир. Унинг буюк авлодлари 300 йилдан ошиб Ҳиндистоннинг гуллаб-яшнашида жонбоzkли кўрсатишди. Бугун Ҳиндистон дейилганда, илк ақлга келадиган Тож Маҳал мақбараси бўлиб, мажмуа Бобур Мирзо авлодларининг бетакрор шахсиятидан хабар бериб туради.

учун Тож Маҳал мақбарасини қуришга қарор беради.

Баъзилар Тож Маҳални ҳинд ибодатхонаси ёки тўрт минорали жомеъ масжиди сифатида билишади. Аслида Тож Маҳал Бобурий Шох Жаҳон томонидан севикли рафиқаси Аржуманд бону – Мумтоз Маҳал бегим учун бунёд этилган мақбарадир. Маълумотларга кўра, бу бинонинг қурилиш қиймати замонавий валюта ҳисобида 1 062 834 098 долларга тенг. Бугунги кунда туристларнинг ушбу мақбарани зиёрат қилишлари орқали ҳинд иқтисоди йилига 2,5 млрд доллар даромад олади.

Тож Маҳал меъморий ёдгорлиги, гарчи, мусулмон олами ерларидан узоқ эса-да, амалда унинг қурилиши тўла араб ва аҷам қурилиш аъналарини ўзига акс эттирган. Қурилишда Бобурийлар империясининг хос меъморлик хомашёси қирмиз қумтоши ва қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо маръданлардан фойдаланилган. Иншоот миноралари тўғри тик ҳолатдан бироз эгик шаклга эга бўлиб, зилзила ҳолатларида минораларнинг асосий бинога қула-маслигининг олди олинган. Оқиш бетакрор мрамрли мақбаранинг барпо этилишида ёқут, зумрад, феруза, садаф ва инжулардан ҳам кенг фойдаланилган. Умумий баландлиги 74 метр бўлган ушбу меъморлик намунасини 22 минг ишчи кучи қарийб 22 йилда сўнг битирган.

XIX аср бобурийларидан кўнб Ҳиндларнинг маъмурий ҳаётида инглизларнинг роли асосий ўринга чиқди. Узоқ йиллар давомида Ҳиндистоннинг "эгасиз"лик даври бошланди. Бу даврда Тож Маҳалнинг эътиборсиз қолдирилишига олиб келди. Бу пайтда мақбаранинг қимматбаҳо тошлари талон-торож қилинди. Ҳатто инглизлар Ҳиндистон ҳудудидаги этник бирлики бўлиб, мустақил Покистон ва Бангладеш Республикаларининг вужудга келишига замин яратди. Бу мураккаб сиёсий, ҳарбий сафарбарлик даврида Тож Маҳални европаликларнинг тўпларидан асраш учун улкан мато билан ўраб ташлашди. Қандай мустабид бўхронлар бўлмасин, Тож Маҳал бугунга қадар ўзининг қимматини йўқотмади. Замонамизнинг етти мўъжизасидан бири, қолаверса, темирйўздалар ва Урта Осиё халқларининг бунёдкорлик рамзи бўлиб қолмоқда.

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Цюнь ойининг шу кунларига таваллуд айёмларини ншонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори Баҳодиржон Алимов,

Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор Алишер Турсунов,

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори Исматилла Муродов, лаборатория мутахассиси Шохрух Чориев,

Навоий вилояти, Учқудуқ тумани қурилиш бўлими бошлиғи Ислом Бахромова,

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар қурилиш бўлими бош мутахассиси Умид Салоҳидинов,

Тошкент вилояти, Қибрай тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қўнуқчилигига риоа этилиши назорати бўйича архитектор Дилшод Маҳмудов, Тошкент тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор Дилмурод Мажиждовларни таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фэйз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи масъулияти чекланган жамияти жамоаси жамият бош бухгалтери Евгения Манькога отаси Петр Иванович МАНЬКОнинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари: Қораканлигонистон Республикаси: 90-590-37-15. Андижон вилояти: 93-410-15-18. Бухоро вилояти: 99-705-50-15. Жиззах вилояти: 99-525-30-05. Навоий вилояти: 99-731-17-40. Наманган вилояти: 90-553-02-34. Самарқанд вилояти: 95-560-30-45. Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63. Фаргона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82. Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39. Хоразм вилояти: 97-459-74-85. Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-643. 2532 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳрси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Таърифи келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилад. Газета таърифиат компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41. Навбатчи мухаррир – А. Ҳақбердиев. Навбатчи – Р. Хўжаева. Ҳаёт – 22.40. Топшириқ – 23.35.

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашра таъйрланди. Тажрир хайъати: Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси), Қозим Туляганов, Эркин Исқандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магмуров, Жамшид Исмаилов, Фолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков. Тахриррат: Бош мухаррир Шохмурад Уринбосари Саҳифаловчи Мусаххич. Дилшод Жалолов Абдусамид Ҳақбердиев Ақвал Махкамов Марҳамат Муслмонқулова. Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашра таъйрланди.